

## МУСИҚА МАДАНИЯТИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР

**Сапарбаев Шахзод Қудратович**

*Хоразм вилояти Урганч тумани 11-сон мактаб мусиқа фани ўқитувчиси*

**Сапаева Феруза Нарбаевна**

*Хоразм вилояти Урганч тумани 5-сон мактаб мусиқа фани ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида «Мусиқа маданияти» дарсларининг ўқитилиши билан боғлиқ замонавий ёндашувлар ва инновациялар баён қилинган. Шунингдек, «Мусиқа маданияти» дарсларини ўқитишда педагогик технологияларни қўллашнинг методик жиҳатлари ўз аксини топган.*

**Калит сўзлар:** *педагогик технология, инновация, замонавий ёндашувлар, интервью дарслари.*

Мусиқа маданияти таълимининг янги мазмуни ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган, маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутди.

Ҳозирги замон ёшлари ақлий камолотининг ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустакил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, ўқитувчининг ўз устида ишлаш, малакасини ошириб бориши ва онгини янада ривожлантириши, таълим тизимидаги барча янгиликлардан бохабар бўлиб бориши кераклигига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мусиқа таълимидан давлат таълими стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда асосан тарбияни бирга олиб бориш лозимлиги таъкидланади. Шу боис, мусиқа маданияти таълимнинг янги мазмуни, ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутди. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий мусиқа фаолиятлари: мусиқани бадиий идрок этиш, яққа ва жамоа бўлиб кўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади.

Ўқув тарбия жараёнида мусиқа ёш авлодга ахлоқий-эстетик тарбия беришнинг асосий шакли ҳисобланиди, ўйлаб кўрилса таълимнинг бир қадар жадаллашуви самарадорлиги унга боғликлиги кундай аён. Шу сабабли ҳам бўлса керак, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида «Мусиқа маданияти» дарсларида ўқувчиларнинг мусиқа орқали онг ва тафаккурини ўстириш соҳа мутахассисларининг олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Мусиқий жихатдан саводхонликка эга

бўлишнинг аниқ мақсад ҳамда вазифалари мавжуд. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда мавжуд илмий ва услубий ёндашув муайян йўналишни белгилайди. Мусиқани ўзлаштириш, тинглаш, ижро этиш ва ундан ҳаётда кенг фойдаланиш инсоний туйғуларни тарбиялайди. Ёш авлодни комилликка етаклайди.

Мусиқа дарси ўтишнинг замонавий педагогик усулларига доир кўплаб қўлланмалар мавжуд, бундай услубларни илғор мусиқа муаллимларининг ўзлари кашф қилганлар ва улар яхши самара бермоқда. Хусусан, “мавзу қандай баён қилганда унинг неча фоизи ўқувчи ёдида сақланади, у томонидан ўзлаштирилади?” деган табиий саволга жавоб топиш мақсадида ўтказилган маърузаларнинг диалог шаклида олиб борилиши тажриба якунида бугунги ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Мусиқа таълими йўналиши ўқувчиларига “Мусиқа ўқитишнинг инновацион технологиялари” фанини ўқитишда “Ақлий хужум”, “Жуфтликда ишлаймиз”, “Мусиқани топ”, “Рақамларни танла”, “Хотира чархи” ва бошқа усулларни қўллаш жараёнида юқори натижаларга эришмоқдамиз.

Кўшиқ куйлаш, мусиқий идрокни кучайтириш ўқувчининг психологик ва физиологик туйғуларига таъсир этади, ижобий фаоллигини таъминлайди, товуш хосил қилиш, артикуляция ва нафас органларини фаоллаштиради.

Хотираси, нутқи, диққатини мустаҳкамлаш билан бирга дунёқарашини кенгайтиради. Мусиқа идрокни шакллантиришда ифода воситаларининг муҳимлиги кўшиқни соф оҳангда куйлаш билан характерлидир. Кўшиқдаги унли товушларни чўзиброқ, ундош товушли бўғинларни эса тез ва бурро талаффуз этиш тавсия этилади. Бундай ифода воситалари бошланғич синф ўқувчилари билан дарс ва қўшимча машғулотлар ўтказиш жараёнида қўлланилса дарс самарадорлигига эришилади.

Дарс жараёнида ўқитувчи мусиқа тинглашда жонли ижродан фойдаланса ўқувчига янада қизиқарлироқ бўлади. Мусиқа тинглаш фаолиятини техник воситалар орқали амалга ошириш билан ўқувчининг мусиқий дунёқарашини кенгайтиради.

Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчилар мусиқа тинглаш, кўшиқ куйлаш, чолғу асбобларига жўр бўлиш каби ҳаракатларни бажариш билан бирга албатта ритмик ҳаракатларни тўлақонли равишда бажаришлари шарт. Бу билан ўқувчининг тинглаш, диққатни бир жойга тўплаш, мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар бажариш, чапаклар асосида ритмга жўр бўлиш орқали қобилиятлари ривожланади.

Бизга маълумки, мусиқа тарбияси жамиятимиз таракқиётида муҳим аҳамият касб этади. Унда ўзбек мусиқа маданияти ва халқ мусиқасининг нодир намуналари орқали ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифа амалга оширилади. Бугун шундай дарслар ташкил этилсинки, педагог фаол ва ташаббускор бўлсин, унинг шогирдлари эса мустақил ва эркин фикрлай оладиган ёшлар бўлиб етишсинлар.

Мусиқа дарси дастур асосида режалаштирилиб, кўргазмали қуроллар билан мусиқа ўқитишнинг оғзаки, амалий, таққослаш методларидан фойдаланган ҳолда,

дарсда ўқувчиларни эътиборини ўзига жалб қилиб, рақс элементлари, мусиқали болалар ўйнаб, мусиқага мос қадам ташлаш, чапак чалишни майин ифодали қилиб куйлаш билан методик талаблар асосида олиб борилади. Хулоса ўрнида, Давлат таълим стандартларида белгиланганидек, мусиқа идрокини шакллантиришда ижрочилик услубларининг долзарблиги маҳаллий-услубий кўшиқларидан фойдаланиш, маҳаллий бастакорларнинг асарларини ўрганиш мусиқа маданияти дарсларида кўл келади. Ҳар бир кўшиқни ўрганилар экан кўшиқ характеридан келиб чиқиб унниг ифода воситалари ҳам шунга мос бўлади. Шу билан бирга ўқувчи кўшиқдаги алтерасия ва динамик белгиларини ўрганиб, шулар асосида кўшиқнинг мазмунини очиб бериши ва соф куйлаши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алавия М. Узбек халк маросим кушиклари. - Т.: «Фан», 1974. -221-б.
2. Кароматов Ф. Узбек халки музика мероси. - Т.: (Фан), 1985. 2-том, -174-б.
3. Ибродимов О.А. Узбек халк мусиқа ижоди (методик тавсиялар, I қисм). - Т.: «Ибн Сино», 1994. -62-б.
4. Мирзаева Н.А. Хонандалик услубиёти асослари. Маърузалар матни. - Т.: Узбекистон давлат консерваторияси, 2008. -48-б.
5. Панжиев К. Сурхондарё вилояти узбек халк кушикчилиқ ижодиёти. / Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация, 2010.